

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**334** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ–421-сон Қонунига мувофиқ:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 10 май,  
ПФ–5040-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 10 майдаги  
ПФ–5040-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги ПФ–2240-сон Фармони билан тасдиқланган Хорижий шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги низомнинг 32-бандидан «ёки қамоққа» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 мартдаги ПФ–4094-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги матнида:

а) 11-бандда:

учинчи хатбошидаги «исправительных работ, ареста» сўзлари «обязательных общественных работ, исправительных работ» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидан «ареста» сўзи чиқариб ташлансин;

б) 22-бандда:

учинчи хатбошидаги «исправительным работам, аресту» сўзлари «обязательным общественным работам, исправительным работам» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидан «аресту» сўзи чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2011 йил 5 январдаги ПФ–4262-сон Фармонида:

**19 (779)-сон**

**— 19 —**

**334-335-моддалар**

а) 1-илованинг 31-банди биринчи хатбошисидан «ёхуд қамоққа» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 25-банди биринчи хатбошисидан «ёхуд қамоққа» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ–257-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги матнининг 313-банди «з» кичик бандининг тўртинчи хатбошисидан «ареста» сўзи чиқариб ташлансин.